

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КРЕДИТ ПОРТФЕЛИДА ОИЛАВИЙ
ТАДБИРКОРЛИКГА АЖРАТИЛАДИГАН КРЕДИТЛАР
УЛУШИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ УЛАРНИНГ
ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

(Агробанк АТБ Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси мисолида)

Баймуратова Малика Муратбаевна

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

E-mail: malibaymuratova@gmail.com

Аннотация: Мазкур тезисда тижорат банклари кредит портфелида оилавий тадбиркорликга ажратиладиган кредитлар улушкини такомиллаштириш орқали уларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш юзасидан ўрганишлар олиб борилиб, таклиф ва тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар: оилавий тадбиркорлик, кредит портфели, имтиёзли кредит

**IMPROVING THE SHARE OF FAMILY BUSINESS LOANS
IN THE CREDIT PORTFOLIO OF COMMERCIAL BANKS
TO INCREASE THEIR ECONOMIC EFFICIENCY**

Abstract: In this thesis, studies are conducted on improving the economic efficiency of commercial banks by improving the share of loans allocated to family businesses in their loan portfolios, suggestions and recommendations are presented.

Keywords: family business, loan portfolio, preferential loan.

Бугунги кунда халқнинг тадбиркорлик билан шуғулланиши, ўзини-ўзи банд қилиши, шунингдек, аҳолига имтиёзли кредитлар ажратиш орқали уларнинг молиявий аҳволини яхшилаш, доимий даромадга эга бўлишлари учун шароитлар

яратилмоқда. Мазкур жараёнда имтиёзли кредитлар ажратишида тижорат банклари жуда муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси банк тизими бутун давлат иқтисодиётининг “иш юритувчisi” сифатида мамлакатнинг иқтисодий жараёнига таъсир кўрсатади. Тижорат банклари фаолиятида эса банкнинг кредит портфелининг тўғри ташкиллаштирилиши унинг фаолиятининг асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланади.

Банкларнинг кредит портфели –бу турли хил кредит рискларига асосланган муайян мезонларга қараб туркумланган кредитлар миқёсидаги банк талабларининг йиғиндисидир⁶⁴. Ушбу таърифда кредитларнинг маълум бир мезонлар асосида туркумланишига, кредит рискларига алоҳида ургу берилган.

Бошқа манбаларда эса, кредит портфели – бу аниқ вақтда актив кредит операциялари бўйича жами асосий қарздорликнинг қолдиги⁶⁵.

Кўриб чиқилган таърифларнинг айрим жиҳатларини инобатга олган ҳолда кредит портфелига фикримизча қўйидагича таъриф бериш мумкин: банкнинг кредит портфели - бу тижорат банкидаги бошқарилувчи обьект сифатида банкнинг актив кредит операцияларини амалга ошириш натижасида маълум бир вақтдаги турли хил мезонларга кўра кредит қолдиқларининг йиғиндисидир.

Бугунги кунда мамлакатда оиласвий тадбиркорликни қўллаб-куватлаш орқали камбағалликни қисқартириш чоралари кўрилаётган бир пайтда, банкларнинг кредит портфелида оиласвий тадбиркорликни ривожлантириш учун ажратилаётган кредитларнинг улуши ҳам алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Тижорат банкларининг масъул бўлинмалари томонидан банкларнинг инвестициявий фаоллигини кучайтириш ва уларнинг иқтисодиёт турли соҳаларида тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини, бизнес режаларини молиялаштиришдаги иштирокини янада кенгайтириш, шу орқали банкларнинг кредитлар сифатини доимий мониторинг қилиш, кредит портфели сифатини

⁶⁴ Ш.З.Абдуллаева Банк рисклари ва кредитлаш. Т., “Молия”, 2002. 304 б. Б – 166.

⁶⁵ <https://ru.wikipedia.org> Википедия — эркин энциклопедия маълумотлари

яхшилаш ва унинг ўсиб боришининг таъминлаш, шунингдек, инвестицион кредитлар салмоғини ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури амалда иш олиб борилмоқда.

Шунингдек, бугунги кунда оиласи тадбиркорликни қўллаб-куватлаш бўйича ажратилаётган кредитлар, имтиёзли кредитлар қаторида, маҳаллалардаги ҳоким ёрдамчилари томонидан қўриб чиқилиб, уларнинг тавсияси билан ажратилмоқда. Бу бўйича электрон база яратилган бўлиб, ҳоким ёрдамчилари маҳаллалардаги ҳақиқатда кредитга эҳтиёжи бор, ўз бизнесини бошламоқчи ёки ривожлантироқчи бўлган фуқароларга ёрдам бериш бўйича ишларни амалга оширади. Шу билан биргаликда кредит ажратилгандан кейин ҳам маблағларнинг мақсадли сарфланиши юзасидан ҳам мониторинг қилиш ҳоким ёрдамчилари зиммасига юқлатилган.

Лекин, бугунги кунда баъзи жойларда ҳоким ёрдамчиларининг эътиборсизлиги ёки бошқа айрим сабабларга кўра имтиёзли равишда ажратилган кредитларнинг қайтими юзасидан банкларда муаммолар юзага келмоқда. Яъни, кредит қайтими юзасидан банкларнинг ўzlари шуғулланишига ва керак бўлса банк ходимлари жойларга чиқиб ҳоким ёрдамчилари билан биргаликда кредит олувчиларнинг қарздорлиги бўйича шуғулланишига тўғри келмоқда. Албатта, бундай муаммо ҳар қандай кредит турида юзага келиши мумкин. Лекин, айнан имтиёзли кредитлар билан бундай ҳолатлар кўпроқ учраётганлиги гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Масалан, биргина Агробанк АТБ Қорқалпоғистон бошқармаси мисолида олиб қарайдиган бўлсак, 2021 йилда мазкур банк томонидан “Ҳар бир оила тадбиркор” дастури доирасида 4702та mijozga жами 121 627 млн сўм миқдорида кредит ажратилган. Шундан 350та юридик шахсларга 33 486 млн сўм, 4352та жисмоний шахсларга 88 141 млн сўм маблағлар кредит сифатида тақдим этилган.

Бу кўрсаткич 2022 йил якунлари бўйича 2322 mijozga 42 322 млн сўм маблағ ажратилган бўлиб, улардан 10 нафар юридик шахсларга 1 678 млн сўм,

2312 жисмоний шахсларга 40644 млн сўм кредитлар ажратилган.

2022 йил “Ҳар бир оила тадбиркор” дастури доирасида ажратилган кредитлан 2021 йилгига нисбатан деярли 50%ини ташкил қилаётган бўлсада, яъни банкнинг кредит портфели таркибида оиласи тадбиркорликга ажратилаётган кредитларнинг ҳажми камайиб бораётган бўлсада, мазкур тижорат банки томонидан ажратилаётган имтиёзли кредитлар Қорақалпоғистон Республикаси аҳолиси ўртасида жуда катта эътиборга лойик. Чунки, айнан шу дастур доирасида ажратилган кредитлар асосида қанчадан-қанча оилалар ўз бизнесларини йўлга қўйдилар.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, имтиёзли кредитлар ажратилиши ҳоким ёрдамчиси тавсияси орқали ажратилади. Лекин уларнинг мақсадли сарфланиши бўйича мониторинг қисман ҳоким ёрдамчиси ва қисман банк зиммасига юклатилган. Бу назоратнинг иккига бўлиниши ўртада кредит қайтими бўйича муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бу ҳам ўз навбатида кредит портфелида мазкур тоифадаги кредитлар хажмининг камайишига сабаб бўлмоқда.

Бу муаммони ҳал қилиш юзасидан таклиф шундан иборатки, ҳар бир оиласи тадбиркорлик билан шуғулланаётган ёки шуғулланмоқчи бўлган оилалар рўйхати шакллантирилиб, ягона электрон базага киритилса ва уларнинг қарздорлиги юзасидан маълумотлар очиқлиги ва шаффоғлиги таъминланса, кредит мақсадли сарфланиши ва қайтими бўйича муаммолар бироз бўлсада камайишига ва бунинг натижасида тижорат банкининг кредит портфели такомиллаштирилиши орқали унинг иқтисодий самарадорлигига эришилган бўлар эди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ: (REFERENCES)

- 1 . Ш.З.Абдуллаева Банк рисклари ва кредитлаш. Т., “Молия”, 2002. 304 б. Б – 166.
- 2 . <https://ru.wikipedia.org> Википедия — эркин энциклопедия маълумотлари